

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Элнур Ниёзматов Хусин ўғли

Фанлар академияси Ўзбек тили,

адабиёти ва фольклор институти мустақил тадқиқотчиси

[elnurniyozmatov66@gmail.com](mailto:elnurniyozmatov66@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек мумтоз адабиётида шеърий санъатларнинг ўрни, вазифалари ва бадий аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Адабиётшунос олимларнинг мавзу бўйича билдирган мулоҳазалари, манбалардаги айрим ноаниқликларга муносабат билдирилди.

**Калит сўзлар:** маснуъ, мураббаъ, мусовият тарафайн, таиҳис, интоқ, таибеҳ, тазод, таносиб, ҳусни таълил.

### КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Ўзбек шеърияти ранг-баранг ифода усулларига, поэтик образ яратиш воситаларига, бадий санъатларга бой шеърият. Минг йиллик тарихга эга шеъриятимизга назар ташлайдиган бўлсак, ўша давр ижод намуналариданоқ бадий санъатлар фаол қўлланила бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, бизга етиб келган энг қадимги ёзма манбалардан XI асрга тегишли Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон ул луғотит турк” асари ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида шеърий воситалардан самарали фойдаланилганлиги кўзга яққол ташланади. “Девони луғот ут-турк” асарида берилган мақоллар, шеърий парчаларда бир қанча шеърий санъатлар: жумладан жонлантириш санъатининг ҳар икки тури: *таиҳис ва интоқ, таибеҳ, тазод, таносиб, таъдид* каби санъатларни учратиш мумкин.

*O'g'rayuki mundog' – oq,  
Munda ao'in tildag' – oq,  
Atsa azun og'rap oq  
Tag'lar basi kertilur<sup>1</sup>*

*Замонанинг ўрганган одаму, бундан бошқа баҳоналари ҳам бор. Агар замон дунёга мўлжаллаб ўқ отса, тоғлар боши кертिलाди. Бу ерда замон инсонга хос ҳаракатни бажариб шахслантирилганини кўриш мумкин. Бизнингча, бу мисраларда Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати ўзгача йўсинда ўз ифодасини топган. Негаки, замона, дунё, ўқ сўзлари мажозий маънода қўлланилиб поэтик образ яратишга хизмат қилган. Бандни дунёнинг шунақа ғам-ташвишлари борки, уларнинг аччиқ аламлари нафақат (инсонлар!) бошқа нарсалар ва жонзотлар, ҳаттоки тоғларнинг ҳам дош бериши мушкул иш эканлиги таъкидланган.*

*Qaqlar qatug' ko'lardi,  
Tag'lar basi ilardi,  
Azun tini yiltirdi,  
Tu- tu chechak cherkashur.<sup>2</sup>*

*Қоқ ерлар ҳаммаси кўлга айланди; тоғ бошлари кўзга ташланди; дунё илиқ нафас олди; турли чечаклар бош кўтариб тизилишди. Об-ҳавонинг илиши яъни баҳорнинг келиши дунёнинг илиқ нафасидан гулларнинг очилиши жараёни тасвири ҳайратланарли тарзда ёритилган.*

*Emur ayur: tubim altun.  
Qatur ayur: men qayda – men?<sup>3</sup>*

*(Қозон айтур: тубим олтин. Чўмич айтур: мен қайдаман?)* Бу ерда қозон ва чўмичнинг шахслантирилиб, гапиртирилиши орқали мақтанчоқ кишининг ёлғонига ишонмаган иккинчи кишининг топқирлиги, сўзга чечанлиги моҳирона кўрсатиб берилган.

<sup>1</sup> Қошғарий. М. Девони луғотит турк. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Б. 78.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша китоб. Б.35.

“Қутадғу билиг” достонидан келтирилган куйидаги мисраларда ҳам бадий санъатларнинг гўзал ифодаларини учратамиз.

*Чиннигул ҳидини ёярган сабо,  
Бутун дунё тўлди ипорга гўё.  
Ғоз-ўрдак – жами қуш ҳавода шодон.  
Ўйинга берилди қувониб чунон.  
Кўкиш турна кўкда навосин чалар,  
Туя карвонидек тизилар, чопар.<sup>1</sup>*

Юсуф Хос Ҳожиб достоннинг “Баҳор мадҳи” бобида баҳор келиши билан бутун олам шодликка тўлганлиги, гулларнинг ифори, қушларнинг қувониб ўйинга берилиши, турналарнинг осмонда наво чалиб учишидан ижодкор руҳияти ҳам шу табиат билан бирга қайта туғилиб, қайтатдан яшаётгандай ўқувчи қалбини ўз кечинмалари сари бошлаб, табиатнинг сирли фусункор ҳодисаларини жонлидай кўрсатиб ҳайратда қолдиради. Юқорида келтирилган парчада шамол, гуллар, паррандалар (ғоз, ўрдак, турна), гиёҳларни жонлантириш орқали гўзал поэтик образлар яратилган. Биз шеърий санъатларнинг гўзал намуналарини XV асрда яшаб ижод этган Атоий ғазалларида ҳам учратамиз:

*Жамолнинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул уёттин анжуманда.<sup>2</sup>*

Бу байт, асосан, хусни таълил санъатининг ёрқин намунаси сифатида берилган, аммо *гулнинг уялиши* ташхис санъатининг гўзал намунаси. Уялиш фақат инсонга хос хусусиятдир. Лирик қаҳрамон тасаввурида ёрнинг ақл бовар қилмас даражадаги гўзаллиги тавсифини эшитган гуллар уялганидан қизариб кетишган. Байтда Аллоҳнинг жамоли таърифланган деб қарайдиган бўлсак ҳам, гулнинг уялиши шахслантиришнинг бетакрор кўриниши бўлиб қолаверади. Мумтоз адабиётимизда ишқ икки хил: ишқи илоҳий (аллоҳга бўлган муҳаббат)

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. – Қутадғу билиг. – Т. Юлдузча, 1990. Б.10.

<sup>2</sup> 10-синф. Адабиёт. Боқижон Тўхлиев, Баҳодир Каримов, Комила Усмонова. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Тошкент – 2017. 1-қисм. Б. 60.

ҳамда ишқи маъжозий (инсонга, аёлга бўлган муҳаббат) бўлади. Шунинг учун гап қайси ишқ ҳақида бораётганлигини аниқлаб олиш зарур. Баъзан бир вақтнинг ўзида ҳар иккала ишққа тааллуқли байтлар, ғазаллар ҳам учрайди. Бундай ғазаллар А. Навоий, Атоий, Бобур, Фурқат каби шеърятимиз устунлари ижодида кўпроқ кўзга ташланади.

*Ғунча севиниб тўнига сизмас,  
Ўхшатсам ўқинг башоқи бирла.<sup>1</sup>*

Бу мисраларда ёрнинг кўзи ва киприклари камон ўқининг учига ўхшатишган. “Чунки киприк ўққа икки жиҳати билан ўхшайди: аввало, киприк ҳам ўқдай тик. Иккинчидан ўқ ёвни яраласа, ёр киприги ошиқ юрагини нишонга олади. Шу боис очилмаган гулғунча ўзининг ёр кипригига ўхшаш эканини эшитиб, “тўнига сизмай” кетди, яъни очилди”.<sup>2</sup> Ғунча севиниб ичига сизмагани айтилган. Аслида бу ёр гўзаллигининг янгича моҳирона таърифи. Сенинг кўзларинг ва киприкларингга ўхшатганим учун ғунча севинганидан (тўнига сизмай!) очилди. Ғунчанинг очилишини ёр гўзаллигига даҳли бўлмаса-да, даҳли бордай ишонч билан таъкидлаётган лирик қаҳрамоннинг ишқи шу қадар кучлики, ўқувчи бунга сўзсиз ишонч ҳосил қилади, у каби севишга интилади, унга ҳавас ҳамда рағбат туйғусини ҳис қилади.

*Ҳар қанда гами дўсти дил порани истар,  
То субҳ ёқа йиртмади, меҳр ўлмади пайдо.<sup>3</sup>*

Юқоридаги байт иккинчи мисрасида тонг ва қуёш тимсоллари маҳорат билан шахслантирилган. Субҳ (эрта тонг) ёқасини йиртмагач, меҳр (қуёш) пайдо бўлмади. Оддий тонг отмагунча қуёш чиқмаслиги ҳаммага аён. Шу ҳодисани поэтик тасвири ўқирманни ҳайратлантиради, қалбига, руҳиятига ажиб бир завқ улашади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS)**

<sup>1</sup> Ўша китоб. Б.67.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Турди Фароғий. (XII аср – 1699/1700) –Ziyouz.com 28-okt. 2013.

“Арастуниг “Поэтика” асарига Форобий томонидан шарҳ ёзилгач, унинг издоши Ибн Сино ўзининг мусиқа ва шеърятга доир асарида шеърга “Мавзуни мухаййали муқаффо” деб таъриф берди ва шу тариқа мумтоз поэтиканинг, асосан, шеърят масалалари билан иш кўрувчи тармоғи- “илмлар учлиги “ ( “илҳои сегона”) вужудга келди.”<sup>1</sup>

Булар: *илми аруз, илми қофия, илми бадеъ* деб номланган.

1. Илми аруз – аруз вазни қонун-қоидаларини ўрганадиган соҳа.
2. Илми қофия – қофия турлари ва унсурларини ўрганади.
3. Илми бадий – бадийлик илми (“бадий”- арабча “янги”, “нодир”) услубий фигуралар, кўчма маъноли сўзлар, бадий санъатлар ва уларни қўллаш ҳақидаги фан. Мумтоз поэтикага оид асарлар ҳам илми бадеъ доирасида пайдо бўлган.

“Илми бадеъга кирувчи айрим бадий воситалар ва уларнинг ишлатиш приёмларини ўрта аср назарийчилари томонидан бадий санъатлар деб аталган бу бадий воситалар байтнинг маъносига қарашли бўлган маъновий санъат (саноеи маъновий) ва сўз, ифода ва уларнинг шаклий ўзгариши билан алоқада бўлган лафсий санъатнинг (саноеи лафзий) каби хилларга ажратилган. Аммо бундай бўлиниш шартлидир, чунки бу хилларнинг ҳар бирида маъновий ва лафсий санъатларга хос сифатлар бор”.<sup>2</sup>

“Ҳақиқий шеърда ҳар бир сўз шакл-шамойил, ранг-бўёқ, салмоқ ва оҳангга эга. Шоир уни қалб кўзи билан кўриб, қалб қафтида салмоқлаб, ундан эса сўз санъаткорига кўтарилиш учун: сўз сезгиси, сўз жозибаси, сўз сеҳри каби босқичлар мавжуд. Лирикада сўз сеҳрининг хосияти буюк ва у буюк шоирларгагина муяссар бўлади.”<sup>3</sup> Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар лирикада сўзнинг аҳамиятини бадий санъатларни таҳлил қилишдан бошлашади.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов мавзуга оид мақоласида ёзади: “Албатта, ҳар қандай бадий санъат шоир учун бир восита. У ҳеч қачон мақсад

<sup>1</sup> Юсупова, Д. – Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. – Т.: Таълим-медиа, 2019. Б.119.

<sup>2</sup> Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1 том. Б.385.

<sup>3</sup> Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т.: “Фан”, 1979. Б.246.

бўла олмайди ҳам. Афсуски, бу соҳада қилинган айрим илмий ишлар бошқача таассурот туғдиради. У ё бу шоир гўё шеърни қандайдир бадиий санъатлар қўллашга моҳирлигини кўрсатиш учунгина ёзган; гўё шоирнинг шундан бўлак мақсади бўлмаган; шоирнинг маҳорати ўз моҳиятига кўра санъатбозликдан иборат”<sup>1</sup>.

Форобий “Шеър санъати қонунлари ҳақида” асарида: шеър вазнлари, адабий турлар ва жанрлар, шеърдаги “ёлғон” – кўчимлар орқали юзага келадиган фантазия кабиларнинг табиати ва хусусиятлари ҳақида таъриф беради. ... У юнон шеърлятига таянган ҳолда сўз юритган бўлса ҳам, унинг шеърни шеър қиладиган воситалар, шеърлятга қўйган талаблари ҳамма даврдаги барча халқлар шеърлятига татбиқ қилиниши мумкин бўлган қарашлардир. Унингча, шоир аҳли уч тоифага бўлинади.

“Биринчи тоифаси шулар: шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади, ташбиҳ ва тамсилга лаёқатли бўладилар. Бу хил шоирлар шеър санъатидан етарли хабардор бўлавермайди, балки туғма қобилиятининг ўткирлиги билан қаноат ҳосил қиладилар.

Иккинчи тоифа қуйидагилар: бу хил одамлар чинакам шоирлик санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеърини ижодга хос хусусиятлардан биронтаси – у қайси шеър турига мансуб бўлмасин – барибир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб қутилмайди. Улар шеърлят санъатида қўлланиладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар.

Учинчи тоифаси қуйидагилар: юқорида айтиб ўтилган икки тоифа шоирларнинг феъл-атвориға тақлид қилувчилар бўлади. Бу тоифаға мансуб одамлар иккала шоирлар йўлини- ижодини ёд оладилар. Ўзлариға туғма қобилияти бўлмаган ҳолда шеърини санъат қонун-қоидаларидан хабардор бўладилар, ташбиҳ, тамсил (метафоралар) ортидан борадилар. Йўлдан адашадиган шоирларнинг кўпчилиги ана шу табақа шоирлар ичидан чиқади”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳаққулов.И. – Бобур шеърлятида таносуб санъати. – Ўзбек тили ва адабиёти, 5/1981. Б. 24.

<sup>2</sup> Форобий. – Шеър санъати қонунлари ҳақида. – “Аристотел. Поэтика” китобида. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б.70-71.

Юқорида олимнинг санъатбозликка берилганлар деб атаган шоирлари шу учинчи тоифа ижодкорлари сирасига киради. Иброҳим Ҳаққулов фикрини давом эттириб ёзади: “Аслида чинакам ижодкорлар бундай юзаки нуқтаи назардан мутлақо йироқ бўладилар. Улар шаклнинг родини инobatга олган ҳолда, ижодда бой мазмун учун курашадилар. Саъз маъноли асар, у қанчалик гўзал шаклга эга бўлмасин, шоир қанчалик гўзал бадиий усул ва восита қўллагансин, шоирларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, “Назм борса, лой қўғирчоққа атлас уст-бош кийгизгандек бўлади”. Истеъдодли санъаткорлар эса бундай бедодликка тоқат қила олмайдилар”<sup>1</sup>. Адабиётшунос олимнинг фикр-мулоҳазаларини тўғри қабул қилиб, бошқа нуқтаи назарларни ҳам ўрганишни ва уларда ҳам айна ҳақиқат акс этганини кўрамиз.

“... бадиий нутқда лисоний воситалар ўзига хос тарзда яшайди, ўзига хос вазифаларни ўтайди. “Ахир инсон тўйга, тил поэзияга ясаниб келади” дейилган ибора ғоятда ҳақиқатдир”<sup>2</sup>.

“Гўё сўз ва мисра олмос ва пичоқ бўлади-ю, бадиий санъатлар эса уларни чархлайди”<sup>3</sup>

“У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асарларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган”<sup>4</sup>.

Ёқубжон Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги” тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри нафақат бадиий санъатлар назариясини ўрганишда, балки бадиий санъатлардан ташқари кўплаб адабий истилоҳлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берилган энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Китобдаги айрим ноаниқликларга тўхталамиз: “мураббаъ (ар. тўртбурчак) – камёб шеърий

<sup>1</sup> Ҳаққулов.И. – Бобур шеъриясида таносиб санъати. – Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 5/1981.Б. 24.

<sup>2</sup> Туланова.Н. – Ҳозирги ўзбек шеъриясида лисоний-услубий таҳлили. (Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзо шеърияси мисолида) номзодлик диссертацияси. – Р 89. 2008, Б. 19

<sup>3</sup> Раҳмонов. В. – Шеър санъатлари. – Л.: 1972 Б.10.

<sup>4</sup> Ҳожиаҳмедов.А. – Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. Б.4.



санъатлардан бири. Огаҳий уни “Таъвизул ошиқин”да гўзал намунасини келтириб, “мусовият-тарафайн” (икки ёқлама), деб атайди. Замонавий шеърятда Исроил Субҳоний ижодида учрайди.”<sup>1</sup> Шу ўринда Атоулло Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойи” китобида форс тилида берилган мураббаъ, мусаддас шаклларида ёзилган мусовият-тарафайн санъати намуналари таржимаси билан берилса, маълумот мукаммаллашарди. Бу санъат умумтаълим мактаблари 11-синф дарслигида Бобур ижодидан намуна келтирилиб, “маснуъ” деб номланиши қайд этилган:

“Маснуъ” – арабча *санъатли, серсанъат* дегани. Ҳам горизантал, ҳам вертикал томонидан ўқиш мумкин бўлган шеър. У мураббаъ.(тўртбурчак), мусовият тарафайн (икки томони ҳам тенг) деган атамалар билан ҳам юритилади.

Етти мени	Ўлтиргали	Охир	Ҳижрон
Ўлтургали	Кўйма	мени кутқар	эй жон
Охир	мени кутқар	бу фироқ	асру ёмо
Ҳижрон	эй жон	асру ёмон	оҳу фиғон” <sup>2</sup>

Интернет тармоқларида шундай санъат асосида ёзилган қуйидаги шеър Алишер Навоий қаламига мансублиги таъкидланган:

Дилбар	Эрур	тенгсиз	Жаҳонда
Эрур	анга ҳамма	хуштору	Банда
Тенгсиз	Хуштори	шайдоси	Манам
Жаҳонда	Банда	Манам	анга <sup>3</sup>

Бу мисолни шунинг учун келтиряпмизки, Ё. Исҳоқов китобидан бошқа деярли барча манбаларда шу жанрга мисол тариқасида фақат Огаҳийнинг “Ул шўҳки очилди хату рухсори” шеъри келтирилган. Илмий изланишлар бундай

<sup>1</sup> Исҳоқов.Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т. Ўзбекистон, 2014. – Б. 111.

<sup>2</sup> Тўхлиев. Б, Каримов.Б, Усмонова. К. 11-синф. Адабиёт. – Т. : Ўзбекистон, 2018. – Б.178.

<sup>3</sup> @navoiy\_ijodi



санъатли шеърлар Бобур, Навоий ижодида, замонавий шеърятда Исроил Субҳоний ва бошқа шоирлар ижодида ҳам мавжудлигини кўрсатяпти.

“Сўз санъати сўзлиги”да маснуъга куйидагича таъриф берилган: “маснуъ (ар. санъатли) – бошидан охирига қадар асосий санъатлар ишлатилган шеърий асар. Ғазал ва бошқа кичик жанрлар ҳажми ўнлаб санъатларни ўзида қамраб ололмайди. Ҳажман чекланмаган қасида шакли ижодкорларга бу борада ўз маҳоратини синаб кўриш имкониятини беради”<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, маснуъ ҳам шаклдошлик хусусиятига эга экан. Бу санъат мусовият тарафайн (икки томонлама) деган номи билан аталгани маъқул, чунки ҳар банди тўрт мисралик мураббаъ жанри билан шаклдош ном ҳам ўқувчини чалғитиши аниқ. Дарсликда маснуъ бирор жойда ҳам шеърий санъат сифатида изоҳланмаган. Ё. Исоҳқов китобида *Тажзия, таштир* фақат 226-бетда бевосита қофия билан боғлиқ санъатлар қаторида санаб ўтилган. 22-бетда асосий санъатлар гуруҳларга ажратилганда, *ташхис* санъатининг қайси гуруҳга кириши кўрсатилмаган. Балки муаллиф олдинги айрим манбаларда ташхис истиора турларидан, баъзи манбаларда мажоз тури деб қаралгани учунми негадир изоҳ қолдирилмаган.

Профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия” китобида деярли барча тадқиқот, қўлланма, дарслик ва рисоаларда лафсий санъатлар қаторидан ўрин олган *тарсиъ* (тарсеъ), *тажзия* санъатлари санъатлар тизимига эмас, “Мумтоз қофия назокати” бўлиmidан ўрин олган. “Ипга терилган маржон” маъносини англатган тарсеъ санъати асосини фақат қофиядош сўзлар ташкил этса-да, у, бизнингча, барибир шеърий санъатлар қаторида тургани маъқул. Биз ҳар икки олим мулоҳазаларини умумлаштириб, тарсеъ, таштир, тажзияни қофия билан боғлиқ санъатлар гуруҳига киритишни маъқул топдик.

## НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ /RESULTS)

Мавзуни ўрганиш жараёнларида, шеърий санъатлар ҳақидаги бир қанча хилма – хил, бир-бирини инкор этувчи қарашларга, нуқтаи назарларга дуч келдик. Олдинги мавжуд манбаларни тўлдириб, мукаммаллаштириш ўрнига

<sup>1</sup> Исоҳқов. Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 73.

ҳар ким ўз фикрини мақуллаётгандай ҳолат юзага келган. Бу биринчи навбатда, бадий санъатлар номланишида кузатилса (*таносуб*-мурут ун-назир, этлоф. мувоҳот, тавфиқ; *тазод*– мутобиқа, мутазод, такофу, тадбиқ, табоқ тибоқ, иттизод; *интоқ* – ниқто, *ташхис* – жонлантириш, маъжоз, истиора, нидо – риторик муурожаат), иккинчидан, уларнинг таснифи масаласида ҳали ҳануз баҳс – мунозаралар давом этаётганлиги бўлса, учинчидан, шеър санъатларига берилган таърифу тавсифларда кузатилади.

“Адабиётимиз тарихи шундан далолат берадики, шеър санъатлар шоир бадий салоҳиятини кўз-кўз қилиш, унинг хилма-хил санъатлардан моҳирона фойдаланиш усуллари намойиш этиш эмас, балки ижодкор бадий тафаккур даҳосининг кўлами, юксак ижтимоий-ахлоқий ғояларни жилолантириш санъаткорлиги бўлиб келган”<sup>1</sup>

Ижтимоий муаммоларни рамзий-мажозий тимсоллар орқали ҳайратомуз ва ишонарли тарзда тасвирлашда бадий санъатларнинг ўрни ниҳоятда катта. Ҳатто уларсиз маъжозий образлар яратишни тасаввур қилиш қийин. Шу ўринда маъжозий тимсоллар бўлган “Қиш ва Ёз”, “Ўқ ва ёй”, “Банг ва Чоғир” мунозараларини, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонини, Гуханийнинг “Зарбулмасал” асаридаги “Тошбақа билан чаён”, “Маймун билан нажжор”, “Туя билан бўталок” каби масалларни эслатиб ўтишни жоиз деб билдик. Агар ижодкор бадий санъатлардан маҳорат билан ўринли фойдаланса, лирик асар янада гўзалроқ, мукамалроқ ишонарлироқ тус олади. Мумтоз адабиётимизнинг ўзига хослиги, жозибаси, латофати, ранго-ранглиги, таъсирчанлик хусусияти ҳамда миллийлигини ифодаловчи бадий санъатларнинг аҳамияти ва қўлланилиши ўзбек шеърятда асосий муҳим восита ҳисобланади

### **ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)**

Хуллас, “Бадий тасвирлаш воситалари санъаткорнинг поэтик мақсадини рўёбга чиқаришда муҳим рол ўйнайди”<sup>2</sup>. Агар шеърятни ҳадсиз уммонга

<sup>1</sup> Ҳожиаҳмедов.А. Шеър санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: “Шарқ”, 1998. Б.3.

<sup>2</sup> Озод Шарафиддинов. Замон. Қалб. Поэзия. “Ўздавнашр” Т- 1962. 193-бет.

менгзасак, бадий воситаларни унинг тўлқинлари, мавжларига ҳамда тубидаги ажойиботларга қиёслаш мумкин. Ҳис-туйғусиз, бадий санъатларсиз ёзилган шеър эса сувсиз денгиз кабидир. Ҳар иккаласига ҳам ҳеч ким эҳтиёж сезмайди.

Бадий санъатларнинг ўрни ва фикрни образли ифодалашдаги аҳамияти нафақат мумтоз шеърятимизда, балки ҳозирги ўзбек шеърятида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. Сувон Мели. Сўзу сўз. “Шарқ” Т. – 2020. 188-бет.
2. Озод Шарафиддинов. Замон. Қалб. Поэзия. “Ўздавнашр” Т- 1962. 193-бет.
3. Исоҳоқов. Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 73.
4. С.Каримов. – Ўзбек тилининг бадий услуби, диссертация. – Самарқанд : 1993, Б. 218.
5. Тўхлиев. Б, Каримов.Б, Усмонова. К. 11-синф. Адабиёт . – Т. : Ўзбекистон, 2018 . – Б.178.
6. Ҳаққулов.И. – Бобур шеърятида таносиб санъати. – Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 5/1981.Б. 24.
7. Туланова.Н. – Ҳозирги ўзбек шеърятида лисоний-услубий таҳлили. (Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзо шеъряти мисолида номзодлик диссертацияси. – Р 89. 2008, Б. 19
8. Раҳмонов. В. – Шеър санъатлари. – Л.: 1972 Б.10.
9. Ҳожиаҳмедов.А. – Шеър санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ 1998. Б.4.
10. @navoiy\_ijodi